



1850 йил Пруссия парламенти депутаты, ўттиз беш ёшли Отто фон Бисмарк мансаб-мавқеининг хал бўлиш онларини бошидан кечираётганди. Кун тартибида ҳамон таркокликни бошидан кечираётган Германияни ягона давлатга бирлашуви ва ушбу бирлашувга тиш-тирноги билан қарши турган қудратли Австрия билан ўзаро муносабатнинг қандай бўлиши турарди. Германия бирлашадиган бўлса, унинг бутун ҳудудини Австрия уруш билан босиб олишини эълон қилганди, чунки Австрия бирлашган ва қучли немис давлатининг пайдо бўлишидан манфаатдор эмасди. Пруссия тахти валиаҳди Герцог Вильгельм ва парламент депутатларининг жуда катта қисми уруш тарафдори эди. Пруссия қироли Вильгельм IV ва ҳукумат аъзолари ҳарбий жихатдан қучли Австрия билан муносабатларни кескинлаштирмаслик мақсадида урушга қарши туришарди.

Халқаро масалаларда, сиёсий мунозараларда анча тобланган Бисмарк Германияни бирлаштириш, мамлакатни таркокликда ушлаб қелаётган Австрияни урушда мағлуб этишни орзу қиларди. Ва ниҳоят, кўп йиллардан сўнг: “Даврнинг энг муҳим масалаларини нутқ ва резолюциялар билан эмас, темир ва қон билан хал қилиш керак”, деган гапни айтган одам эди у.

Оташин ватанпарвар, ҳарбий қуч тарафдори бўлган Бисмарк немис жамиятида уруш васвасаси авж олган бир пайтда парламент минбаридан туриб нутқ сўзлайди. Бу нутқ жуда кўпчилиқни хайратда қолдиради: “Урушдан кейин ҳам ниҳоятда аҳамиятли бўлиб қоладиган сабабсиз уруш бошлайдиган давлат арбобларига ачинаман. Дехқоннинг урушда майиб-мажруҳ бўлиб қолган фарзанди ва урушда ҳалок бўлган ўғли учун мотам тутиб йиглаётган отанинг кўзига тик боқишга журъат топасизми?” Бисмарк ўз нутқида нафакат уруш қелтирадиган қулфатлар манзарасини қизиқ берди, шу билан бирга, Австрияни мактаб, бу давлатнинг ҳаракатларини ҳимоя қилгани жуда галати эди. Бу гаплар унинг шу пайтгача амалга ошириб қолган ишларига гоятда тесқари эди. Лекин Бисмаркнинг оташин нутқи дарҳол ўз самарасини беради: уруш тарафдори бўлган депутатлар ушбу нутқ таъсирида урушга қарши овоз беришади. Натижада ҳақиқатан ҳам урушга қарши бўлган қирол ва унинг вазирлари галаба қилишади -урушнинг олди олинганди.

Орадан бир неча ҳафта ўтгандан кейин Бисмаркнинг тинчликни ёқлаб сўзлаган нутқидан миннатдор бўлган қирол уни вазир этиб тайинлайди. Кўп ўтмай, уруш бошламаслик, тинчлик гоёсини илғари сурган Бисмарк Бош вазир лавозимини эгаллайди ва мамлакат ҳамда тинчликсевар қиролни қудратли Австрия империясига қарши урушга

олиб келади. Бу урушда Австрияни маглубиятга учратиб, ягона ва кучли немис давлати - Германияга асос солади.

1850 йил Бисмарк парламентда сўзга чиқишга тайёргарлик кўрар экан, вазиятни обдон ўрганиб чиққанди. Харбийлар уруш қайфиятида бўлса-да, лекин Пруссия армияси Европанинг бошқа давлатлари армиясига караганда кучсиз эди. Айниқса, Австрия армияси ҳар жихатдан устун ва Пруссия уруш бошласа, маглубиятга учраши аниқ эди. Булар Бисмаркнинг биринчи ҳулосаси эди. Иккинчидан, у урушни ёқлаб чиққанда ва бу урушда Пруссия енгилганда (бу ўша пайтда аниқ эди), Бисмаркка ҳокимият томон йўл ёпиларди. Кирил ва унинг консерватив ҳукуматига тинчлик, Бисмаркка эса ҳақиқий мақсад-режаларини амалга ошириш учун ҳокимият керак эди.

У ҳокимиятга эришиш учун авваллари ўзи рад қилиб келган тинчлик йўлига (аслида сохта тинчлик)

барчани бошлаб кетганди. У бутун мамлакатни аҳмоқ қилишга эришганди. Лекин бу эзгу мақсадга қаратилганди. 1850 йил Бисмарк ҳам кўнглидагини очик гапириб урушни қўллаб-қувватлаганида эди - урушга пухта тайёргарлик кўрмаган ва Бисмаркка ўхшаган йўлбошчиси Пруссия маглубиятга учрар ва Германияни бирлаштириш гоёси йўққа чиқарди. У ўзининг "тинчликпарвар" нутқи туфайли вазир ва тез орада Бош вазир бўлиб олади. Бу эса унга Пруссияни харбий жихатдан қучайтириш ва урушга пухта ҳозирлик қўриш имконини берганди. Ниҳоят, у ўзининг бош мақсадига эришганди: Германияни ягона давлатга бирлаштириб, Австрияни маглубиятга учратади.

Бисмарк, шубҳасиз, жуда ақлли давлат арбоби, стратегия ва найранглар устаси эди. У парламент минбаридан нутқ сўзлаётганида, унинг ҳақиқий мақсадларини ҳеч ким сезмай қолганди. Ҳақиқий мақсадидан бири - ҳозирча уруш бошлашни тўхтатиб туриш ва унга пухта тайёргарлик қўриш ҳақида гапирганида эди, Австрияни ҳозирок енгиб ташлашга қодирмиз, деб уруш васвасасига берилган депутатлар ҳеч қачон тинчлик учун овоз бермасдилар. Кирилнинг тинчлик сиёсатини қўллаш эвазига вазирлик лавозимини эгаллаш учун ўйин бошласа, бу ерда ҳам муваффақиятсизликка учрарди: кирил унинг мансабпарастлигини сезиб қолиб, самимийлигини шубҳа остига оларди.

Аслида эса Бисмарк носамимий ҳаракат қилиб (чунки у уруш тарафдори эди - факат пухта ҳозирлик қўрилган урушга), тинчлик учун сохта чақириклар билан ҳақиқий мақсадини никоблаб, барчани адаштириб ўз мақсадига эришади. Ҳақиқий мақсад-режаларни ана шу тарзда яшириш - кишини ҳокимиятга олиб келади.

Роберт Гриннинг

"Ҳокимиятнинг 48 қонуни" китобидан